

**FAN, TA'LIM, TEKNOLOGIYA VA ISHLAB CHIQARISH  
INTEGRATSIYASI ASOSIDA RIVOJLANISH ISTIQBOLLARI  
VOLUME-2, ISSUE-2**

**ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ ХАРБИЙ ХИЗМАТГА ЧАҚИРИЛУВЧИЛАРИНИНГ  
ЖИСМОНИЙ ХОЛАТИ ТҮҒРИСИДА.**

**Б.С.Юлдашев<sup>1</sup>., Р.Х.Каримов<sup>2</sup>., Ж.Қ.Машарипов<sup>3</sup>.**

Хоразм вилоят Маъмун университети<sup>1</sup>.

Тошкент тиббиёт академияси Урганч филиали<sup>2</sup>.

РШТЁИАМ Хоразм филиали<sup>3</sup>.

**Мавзунинг долзарблиги.** Харбий хизматга чақирилиш ва хизмат қилиш қобилиятини белгиловчи асосий омил харбий хизматга чақирилувчининг соғлиғи хисобланади. Маълумотларга кўра Волгоград вилоятида мактаб ёшидаги болаларнинг 53 фоизининг яъни 345000 нафарининг соғлиғи ёмон.

Йигитларнинг қуролли кучлар қисмларида хизмат қилишга тайёргарлиги тобора пасайиб бормокда. Агар 80 - йилларда йигирма йигитдан бири ҳарбий хизматга яроқсиз ва чекланган дебтан олинган бўлса, 90-йилларда-бешдан бири [Чичерин Л. Р., Дцчук В. Н., 2005]. Ҳозирда саломатлик кўрсаткичлари пастлиги сабабли чақирувдан озод қилинган йигитларнинг улуши аллақачон 30-35% ни ташкил қиласди. Йигитларнинг учдан икки қисми ҳарбий хизматда қандайдир чекловларга эга.

Шу муносаб билан Хоразм вилояти ҳарбий хизматга чақирилувчилари орасида саломатлик холатини ўрганиш қизиқиш уйғотади.

**Илмий ишнинг мақсади.** Ҳарбий чақирув ёшидаги йигитларнинг жисмоний ривожланишидаги морфологик ва функционал хусусиятларни ўрганиш.

**Материаллар ва усуллар.** Урганч шаҳридан 2020-2022 йилларда ҳарбий хизматга чақириш бўйича тиббий комиссияга жалб қилинган 381 нафар ёшларнинг маълумотлари уларнинг тиббий карталарини тахлил қилиш орқали ўрганилди.

**Олинган натижалар.** Текширувга жалб қилинган йигитлар 2002- 2004 - йиллар оралиғида туғилган ёшлар бўлиб, 80% текширувга қадар амалий соғлом деб қабул қилинган ёшлар бўлган. Текширув жараёнида 381 нафар ёшлардан 133 нафарида, яъни 34,9 % да ҳарбий хизматга яроқлилик бўйича чеклов аниқланди.

Аниқланган чекловларнинг ярмидан қўпроғи 195 нафарида яъни 51,2 % да ички аъзолар касалликлари билан боғлиқ бўлган сурункали соматик касалликлар аниқланган бўлса, 71 нафарида (18,6%) турли хилдаги хирургик касалликлар, 56 (14,7%) нафарида кўз касалликлари, 17 нафарида (4,5 %) тана массасининг етишмовчилиги, 11 нафарида (3%) таянч -харакат тизими

**FAN, TA'LIM, TEKNOLOGIYA VA ISHLAB CHIQARISH  
INTEGRATSIYASI ASOSIDA RIVOJLANISH ISTIQBOLLARI  
VOLUME-2, ISSUE-2**

касалликлари , қон айланишининг бузилиши касалликлари 11 нафарида (3 %), 9 нафарида асаб тизими касалликлари (2,4%), яна 9 нафарида нафас тизими касалликлари (2,4%), 2 нафарида эса психосоматик бузилишлар аниқланди (0,5%).

**Хулоса** ўрнида шуни айтиш мумкинки харбий чакириқ ёшидаги ўсмирларнинг жисмоний жихатдан ривожланиши анча орқада бўлиб , мактабларда уларни жисмоний жихатдан камол топтириш бўйича етарли ишларни амалга оширшни талаб қилинади, бу ўз навбатида юртимиз мудофаа тизимини ривожлантириш учун қўшилган самарали хисса бўлади.

---